

ТОНГ ЮЛАЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 64 (6806)
1997 йил, 20 август, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Болалар, мустақиллигимизнинг 6 йиллиги муносабати билан очган «Ватан ҳақида иши» рукини мизга тенгдошларингиздан кўплаб мактублар, оляпмиз. Куйидаги иши ҳам ўшалардан биридир.

битта булади. Мана, бизнинг Ватанимиз мустақил бўлганига олти йил бўлаяпти. Мен байрамларни жуда яхши кўраман. Аммо, уша кундаги ранглар бир бошқа

дақа болажонлар абадий эшитмасин. У қон билан ёзилган булади», — дедилар. Чўлпон бобомни зўрлиги, ана шундай шеърлар ёзганлиги, юртим озод бўлсин

булсан. Мен бир куни етим болаларни кўриб, юрагим эзилиб кетди. Шу бегубор болаларни қандай қилиб ташлаб кетишган? Уларнинг ҳам ота-оналари билан яшагиси келади. Уларни багрига босиб қулоқлашини жуда-жуда хоҳлайдилар. Бу болалар қандай чидайди ота-

Боболар бешиги

сўраб қолдилар. Ўладим-ўйладим, кўз ўнгимга учаетган отлар, осмон тула камалаклар, куп-күп шеърлар келди. Келгусида улуг инсонлар булиб етишетган етим болалар келди. Доим бир нарсанни ният қиласман: бизнинг Ўзбекистонимизда сира уруш бўлмасин. Биз болалар ҳам шу озод Ватанимизнинг юзини ерга қаратмайлик.

Кўлларимни тутар Ватан,
Йулларимни кутар Ватан.
«Дунёларга қўл бергин» деб,
Менга шеърлар битар Ватан.
Тонгда нурга юзим юваб,
Нонушталар қўйиб қўяр.
«Завол кўрма, жон болам», деб
Сочларимни уриб қўяр...
Онам, онажоним Ватан...

Нозима РАХИМОВА,
Тошкент шахридаги
110-мактабнинг
5-синф укувчиси.



ча булади-да... Ҳаммаёк роса чиройли булиб кетади. Осмонга ранг-баранг мушаклар отилали. Биз болалар бир-бirimizning қўлимиздан ушлаб роса қувониб, уни олқишилаймиз. Юрагимиз худди ўйнаб юрадиган контокчадек бошқача ура бошлайди. Мен яқинда шоир бобом Чўлпоннинг ўзбек қизига ёзилган шеърини ёдладим:


Кулган бошқалардир
йиглаган менман,
Уйнаган бошқалар,
инграган менман.
Эрк эртакларини
эшиттан бошқа,
Куллик қушигини
тинглаган менман.

Ойижонимдан «Нега Чўлпон бобом бундай шеър ёзганлар? Қуллик қушиги қанақа булади?» — деб сурасам, укиши «Э, қизим, илоҳим у қушиқни сизлар-

деганлиги учун душманлар улдиришган экан. Оҳ, Чўлпон бобом-а, ўзбек қизига ачинган бобожоним-а. Шундай ачиндим, шундай йигладим-ки. Қанийди мен ҳам шундай улуғ шоир

она сизликка? Мен бу ота-оналардан хафа булдим, чунки улар Ватанимиз озодлигини севмаган одамлар. Чўлпон бобомнинг шеърини ўқимаган одамлар.

Үтган йиллари мактабда олган баҳоларимда битта яримта «тўрт»лар бор эди. Бу йил ўзимга сўз бердим: озод юртният боласи бошқача булиши керак. У сирайм тўрт баҳолар олмаслиги керак. Чунки она миз, Ватанимиз бизга жудаям ишонади-да... Биз илмли бўлсан жуда кучли бўлмазис. Бизни ҳеч ким енголмайдиган булади. Ойим: «Қани айтчи, Нозима сен узинг озод Ватан дёгандан нимани тушунасан», — деб



АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛМОКДА

Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва яна қатор вилоятларда ўтказилаётган йигилишларда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибида киритилган «Кадрлар тайерлаш буйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинганди. Амалий таклифлар билдирияпти, мулоҳазалар айтиляпти.

КИТОБ БАЙРАМИ

Уттан ҳафта шаҳримиздаги Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат бўгида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Матбуот давлат қўмитаси ва «Ўзбекистон китоб сафоси» хиссадорлик ўюшмаси томонидан Мустақиллик куни олдидан Инсон манфаатлари йилига бағишиланган китоблар байрами ва мактаб ярмаркаси очилди. Биринчи сентябргача давом этадиган ярмарка тажриби сифатида ўштирилди. Улугбек бояи шаҳримизнинг марказида жойлашганлиги учун ҳам китобсеварларнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

УЛУГБЕК РАСАДХОНАСИДА МАШГУЛОТ

Тошкентдаги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Аэрокоинот» мактабида икки ҳафта мобайнида Қозогистон, Қиргизистон, Тожикистон, Покистон, Малайзия мамлакатларидан келган 60 уқувчи таълим олди. Дарсларни космонавт-учувчи В. Жонибеков, москвалик космонавтика профессори С. Мурzin ўтказиши. Халқаро коинот мактаби

тингловчилари бирлашма бош директори Шавкат Воҳидов раҳбарлигига Самарқандда Улугбек расадхонасида ҳам машгулотда булиши.

ШОИР ЮБИЛЕЙИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигига болаларнинг атоқли шоири Зафар Диёрнинг 85 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шоирнинг ҳасти, ижод ўюли ҳақидаги хотирилар, шеърларидан намуналар кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдири.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ВОРИСЛАРИ

Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида илк бор Узбекистон вакиллари ҳам қатнашди. Бу ўзига хос беллашувда жаҳоннинг 82 мамлакатидан 460 нафар уқувчининг билими синааб курилди. Республикаизда ўтказилган олимпиада голиблари — бухоролик О. Султонов, хоразмлик Т. Тоҳиров, наманганлик К.

Турахонов олимпиданинг фахрий ёрликлари билан тақдирланиши.

ЭНГ БОЙ БОЛА

Италиялик икки ёшли Леонардо Мария Дельвекко Европадаги энг бой болага айланди. Унинг бойлиги 555 миллион доллардан иборат. Леонардо Мариянинг «Ленс-Крафтерс» фирмасининг эгаси бўлмиш 62 ёшли отаси томонидан берилган қимматли қоғозлар ана шундай нархланмоқда. Бу фирма асосан кўзойнаклар тайёрлаб сотиш билан шугулланади.

ХАФТАНИНГ
ЕТТИ КУНИ

ОЛТИ ЁШИНГ МУБОРАК!

Нечайиллар озодлиги нгдан йироқ, үз эркингә, мустақиллигиннанда муштоқ әдингүзбеким! Үз уйингда үзинг мөхмөн, күксини ёвға қалқон қылған инсон әдинг. Озодлинг үйүнида жонини қарбон қылған Чүлпөнү Қодирий, Фитрату Усмон Носир кабилар сенингасл фарзандларынг эмасми? Улар үзасарларыда сенинг мадхингни куйлағандылар.

Уларнинг орзулари руебга чиқди. Үзбекистон үз мустақиллигига эришиди. Утган олти йил мобайнида үлкемиз аро эсаёттан мустақиллик шабадаси ҳалқимизга үзлигини, муқаддас қадрияттарини қайтарди.

Аммо бу ишларимиз баъзиларга ёқмаяпти. Турли бухтонлар уюштириши

га ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ бизнинг ундайларга жавобимиз ҳам бор. Ҳалқимиз тинчликсевар ва дүстликни улуғловчи халқадир.

Үзбеким! Мустақиллигиннан олти йили муборак бўлсин! Кенг бағри-

нг ҳамиша байрамларга, шодлигу кулгуларга тұлаверсин!

**Наргиза НУТФУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти,
Фиждуон туманинаги
4-мактабнинг
11-«А» синф ўкувчиси.**



Бу йил мен 6-синфга утдим. Ойимларнинг айтишларича бўйим ҳам чузилиб, анча үзимни тутиб олганмисман. Бунинг сабаби бор. Уртоқларимнинг кўпчилиги оромгоҳларда дам олишди. Менчи?

Бу йил бизнинг уйда озигина қурилиш ишлари бошланди. Ойижонимнинг ишлари купайтанды купайди. Мен албатта уларнинг ёнларидан ёрдамлашиб юрдим. Овқат пиширсалар картошка, пиёзларни артиб турдим. Усталаримиз эрталабки чойни ичгунларича мен қушнимизни изидан сут олиб чиқаман. Ойижоним роса пазандалар. Сутдан нонуштага ширчой, ширгуруч, юмшоқ булочкалар пиширадилар. Ҳаммамиз мириқиб нонушта қиласиз. Сунгра синглим Комилахонни боғчага олиб бораман. (У фақат

мен билан боғчага йигламай боради-да). Шундай қилиб ойимларга кечгача дастёрлик қиласан. Бир куни адамлар: «Ойиси, қизимиз ҳам бир оз дам олиб келсинмикан, уртоқлари ҳаммаси дам олиб келишиди», —

деб қолдилар. Ойимлар ҳам розилик бердилар. Фақат мен кўнмадим. Ойимларга ачиндим. Уларнинг ҳам меҳнат таътиллари тутай деб қолган эди-да. (Ойижоним мактабда ўқитувчилар). Лекин дам олиш хаёлларига ҳам келмайди. Шундай булгандан кейин мен дам олиб, уйнаб юрсам яхши бўлмаса керак. Шунинг учун бир сафар оромгоҳга бормасам бормабманда. Гапимни ўшитиб уста амакиларим «ақллиқиз» экан деб ҳаваслари келди.

**Нодира БЕГИЕВА,
Тошкент шахри.**



Пойтахти водий билан бирлаштирувчи бу тоғли йўлдан мен ҳар гал уттанимда у ердаги йўллар четида мева-лар сотиб ўтирган ўғил-қизларни кўраман. Негадир улар билан узоқ сұхбатлашгим келаверади.

Ниятим бу йўллар кабиравон бўлдими, ҳар қалай улар билан бу сафар манзил баҳона сұхбатлашиб олдим.

Менинг сұхбатдошларим Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Четсув қишлоғидаги 21-мактаб ўкувчилари Гузал, Абдусаттор ва Сайёларлардир.

— Мана яқинда жонажон мактаб қучогига қайтасизлар, мактабни анча согингандирисизлар?

Болалар мактабни согинганликларини фақат мақтоллар билан эмас, балки ташвиш билан ифода этдилар.

— Мактабимиз ота-онамиз пули ҳисобига таъмирланди. Бу ҳам кунгилдагидек эмас, синфоналаримиз замон та-

лабига ҳеч ҳам жавоб бермайди. Дарслар утилиши жуда ёмон. Мактабда ҳеч қандай тугарак фаолият курсатмайди. Биз телевизор орқали курсатилаётган намунали мактабларни куриб, уларга ҳавас қиласиз. Қанийди, бизнинг ҳам мактаб шундай бўлса. Биз ҳам яхши ўқиб, келажакда бирор яхши касб эгаси бўлгимиз келади.

— Йўқ, — дейишиди улар баробарига, — биз ҳам яхши ўқиб, айло баҳолар олтимиз келади. Қишлоғимизни жуда яхши кўрамиз. Тоғлар багрида бўлса ҳам, шароит зур бўлмаса ҳам шу ерда яшагимиз келади. Мана яқинда бизнинг жойларга тезда совук тушади. Сентябр майлику-я, лекин октябрдан бошлаб синф

оз тинчлантироқчи бўлиб. — Йўқ, — дейишиди улар баробарига, — биз ҳам яхши ўқиб, айло баҳолар олтимиз келади. Қишлоғимизни жуда яхши кўрамиз. Тоғлар багрида бўлса ҳам, шароит зур бўлмаса ҳам шу ерда яшагимиз келади. Мана яқинда бизнинг жойларга тезда совук тушади. Қища улар мактабга бороли масликлари учун кўп болалар бир синфда иккى марталаб ўқимоқдалар. Бошлангич си-

Катталар, эътибор беринг
бу тоғлик болалар учун стиб бормас экан.

— Мен айниқса, — дейди Гузал, — шу газетани олиб ўқитим келади. Лекин ўқиш учун кутубхонадан бошқа қаердан ҳам топиб ўқиймиз. Кутубхона эса мунтазам ишламайди.

Сұхбат шу тарзда кетаверса, асаблар толиқиши тайин. Менинг тоғлардек юксак орзум болалар сұхбатидан кейин майин эсаётган тог шаббодасига қушилиб учеб кетгандек бўлди...

Келажакка хиёнат қилиши ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Шундай экан, Оҳангарон тумани Ҳалқ Талими булими ва Ҳокимлиги болаларнинг келажагига эътиқод ва ишонч билан қарасалар ёмон бўлмасди.

Матмурда МАДРАХИМОВА.

ОРЗУЛАРИ ТОҒДЕК БОЛАЛАР

Болалар шундай дедилар, қимдантир қўрқаётган одамдек, ҳадисираб, ён-верларига қараб, яна нималарни дидайтгилари келиб, бир-биралига қараб сирли жавдирашдилар.

— Нима, мактабда ахвол шунчалик ёмон бўлишига сабаб, қишлоғинглар узок тоғлар багрида жойлашгани дидай, — дейман болаларни бир

хоналаримиз совукдан исимайди. Иситиш учун эса кумир стмайди.

Сұхбатта Давлатова Угли опа қушилдилар. — Синглим, мен анчадан бери бу ахвол ҳақида кимга мурожаат килишини билмай юрардим. Ҳозир менинг торт нафар фарзандларим шу мактабда таълим олянтилар. Ўқитувчиси Рустам Муминовнинг айти-

нфлар учун иссиқ овқат берилмайди. Мактаб ошхонаси эса хужакурсинга ишлади.

— Наҳотки, — дейман Угли опанинг юракдан айтасиган гапларидан таъсирланиб. — Демак, болалар номига мактабга қатнашар экан-да? Улар учун на мактаб ошхонаси ишласа, на мактаб кутубхонаси ишласа...

— «Тонг ўлдузи» газетаси

Езги таътилга чиққач, синфимиз хоналарини таъмирлашга киришган эдик. Эшик, дераза, пол, доскани мойлаб деворларни оқлаб чиқдик. Мана ёзги таътилимиз ҳам тугай деб қолди.

СИНФХОНАМИЗ ШАЙ!

Яна мактаб қучогига қайтамиз. Таътилга кузатаётib синф раҳбаримиз Маҳсума опа Мирзаева: «Болалар, августнинг сўнгти ҳафтасида синфда учрашамиз», — деган эдилар. Мана, синфдошларим Камол, Жаҳонгир, Илҳомларни хабарлаб биргалашив мактабга бордик. Раҳбаримиз Маҳсума опа шу ерда эканлар. Куриб хурсанд бўлдилар. Синфа чиқиб парталар, дераза ойналарнинг чангларини артдик. Полларни ювиб чиқдик. Қизларимиз тувақдаги гулларни уйларига олиб кетишиган эди. Улар олиб келиб, пардаларни илиб синфимизни 1 сентябр янги ўкув йилига тахт қилиб кўйдик.

Зуфар ОРИФХЎЖАЕВ,
Тошкентдаги 268-мактабнинг
9-синф ўкувчиси.

СОҒФАМДАН ХУРСАНДМАН

Менинг исмим Севара.

Сентябрда учинчи синфга бораман. Биринчи қўнгироқ куни мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйини нишонлаймиз. Ана шубайрамга атаб алоҳида совга тайёрладим. Ниша экан, деб ўлаётгандирсиз? Ёз буйи үзим йигиб, ўқиб юрган лотин алифбосида битилган шеър, эртак, хикоя ва бошқа китобларимни мактабимиз кутубхонасига совга қўлмоқчиман. Уртоқларимга ҳам шундай совга тайёрлашни маслаҳат бердим. Агар биз шундай қилсан кутубхоначи опамиз «болажонларим, лотин алифбосидаги китобларимиз ҳозирча камроқ. Сиз сураган китобни ҳозир ўкувчи ўқияпти»,

деб бизни кутдириб қўймайдилар. Бунинг устига укаларимиз бу китоблардан фойдаланишганда бизга раҳмат айтишади.

Сиз қушалоқ байрамга қандай совга тайёрладингиз, шу тўғрида биз билан уртоқлашишингизни истар эдим.

Севара ШОМУРОДОВА,
Бектемир тумани.

БОЛАЛИГИМ, СЕНИ СОФИНДИМ

ЙҮҚОЛГАН ҚҰЗИЧОҚ

Мактабда үқиши тугаши билан биз болалар акамиз, келинайимизга ёрдам бериш учун совхоз далалариға чиқиб кетардик. Онамнинг олдидан кетгим келмай қылган хархашаларим, топган баҳоналарим иш бермасди. «Ҳали олдингда уч ой ёруғ ёз турибди-я, жуда бўлмаса укаларингни кутариб, келинайингга қарашиб юрасан, — дердилар онам. Бекорга кўча



чангитиб юришдан нима фойла?»

Совхоз далалари индамай оқадиган Ҳамдамариқ бүйлари-га жойлашган эди. Атроф мева-зор боғлар, буғдойзорлар, қо-вун-тарвуз полизлари билан уралган эди. Уша ерда ҳеч ки-ми йүқ, ёши олтмишларга бо-риб қолган, уруш пайтлари Крим тарафдан келиб қолган отахон одамларнинг қуй-эчки-ларини бокиб юрарди. Биз бо-~~лар~~ уни Атий дердик. Қалби юмшоқ, меҳнатсевар, беозор бу одам биз болаларнинг дусти эди. Фалати одатлари бор эди. Тарвузни сўймасдан, пўстини арчиб ерди. Топган-тутганини биз болалар билан баҳам курарди. Қизик-қизик воқеаларни сўзлаб берарди. Мен, Ибро-ҳим, қўшни қизлар Ҳамдама-риқда Атийнинг қуйларини чў-милтирадик. Қўйлар сувда ях-ши сузишарди. Биз ҳам уларга ёпишиб олиб, сувда узок турар-дик. Атий эса канал бўйида чойни хўр-хўр ичиб, ёш бода-

дек қиқирлаб кулиб ўтиради.
Бир куни бизлар Ҳамлама-

Бир куни бизлар Ҳамдамарик буйлаб анча юқорига кетиб қолдик. Сув буйидан маймунжонлар териб еб, үтиналар териб келаётган эдик, бирдан құзичоқнинг зорли маъраши қулокқа чалинди. Қари толнинг тагида янгигина туғилган баррача зорланиб, онасини чақиради. Бизлар ҳам қувониб, ҳам ачиниб кетдик. «Вой бечора она сидан адашиб қолибди, энди нима қиласыз?» — деди Маҳбуба. «Нима қилардик, уйимизга олиб кетамыз», — деди болалардан кимдир. «Йүқ-ей, — дедик биз Иброҳим билан. — Бу Атийнинг құзичоги. Эгасига бериш керак»... Хуллас қий-чув ичида масала ҳал булди. Құзичоқ Атийга қайтариладиган булди. Аммо уни шунча узокдан күтариб олиб бориш керак эди. Биз эса бор-йүғи олти-етти ёшлардаги қора-қура болакайлар эдик. Юкнинг оғири Иброҳимга тушди: у тұнғиллай-тұнғиллай оқпари нацишиб йүнга

тушди. Биз эса унинг орқаси-дан... Узокдан Атийни қораси күрингач, қўзичноқни паналаб, «разведкачи» мизни юбордик. Чол тушликка ҳам қўл урмай, хафа булиб утирган экан. Бирорвинг омонатига жавобгарлик юкидан эзилган Атий бизга унча эътибор бермади. «Э, қизичиқларим, болачиқларим, шундай ҳам эсипаст ҳайвон буладими», — деб қўйдан койинди ўзичабизларга. «Боласиниям ташлаб келадими, кеча битта совлиқ адашган эди, қидириб тополмагандим». «Мабодо биз топиб берсак нима қиласдингиз, Атий», — дедим. «Э, болачифима, суюнчи берардим, дуо қиласдим», — деди у каловланниб. Шу пайт бизни кутавериб узокда тоқати-тоқ бўлган Иброҳим бақирди: «Бўлмайсанларми тез-тез, ҳозир қўзичноқни ташлаб юбораман»... Шунда Атийнинг кўзи узокдан қўзичноққа тушди-ю, таёгини ҳам бир чеккага ташлаб югуриб кетди. «Худога шукур-ей, топилибди, совлиқнинг эси бор-да, одам пана жойда қўзилабди». У шундай дея Иброҳимнинг қўлидан қўзичноқни олиб, юз-кўзларини силай кетди: «Ҳа жонивора, онангга насиб қилгура, эгангга насиб қилгура».. Кейин ҳали қўл урилмаган тушлик қўйилган дастурхондан ҳаммамизга егуликлар олиб бериб, эллик тийиндан суюнчи бериб, узундан-узун дуо қила кетдилар: «Бу ҳалол, покиза, меҳнатсевар қизичиқларим, болачиқларимни ўз паноҳингда асрарин, парвардигорим. Имонидан айирма-

гин, парвардигорим»...
Биз болалар онаси меҳр билан ялаётган құзичокқа қараб, Атийнинг дуоларини тинглаб, симобдек эриб үтирадик. Дуолар шу кадар ғәнимди әли-ки

Шарифа опангиз юракка яқин шоира. «Хар гал «Тонг юлдузи»ни үқисам, болалигимни құмсайвераман», — дейдилар улар.

Ажаб дунё! Кўнглимнинг ичида бир булоқ сим-сим оқади. Кўз очиб кўрган тоғларини, сочини ювган майсаларини, тубида ўйчан чўкиб ётган тошларини, ундан сув ичиб кетган оҳукўз кийикларини, маҳмадона қушларини соғинади. Бу — болалик соғинчи, бу — болаликка яна қайтмоқчи бўлаётган умр кузининг тилларанг нафаслари. Осмонда учиб кетаётган қушлар — бу болалик... Мевали боғларнинг кўксидаги титроқ бу болалик... Хотиралар қирғонини ҳар куни ювиб турадиган ва сира қайтмайдиган тўлқинлар — бу болалик. Сен — гўдакнинг вужудида қолган она бўйларисан, болалик. Сен — отанинг иссиқ қўлларини ўзингда ҳануз ҳис қилиб турадиган ажисб дунёсан, болалик. Сен — илк ёзилган шеърсан, болалик... Кушлар, булоқлар, она бўйлари, ота кўлларини кўмсаб, сени соғинавераман. БОЛАЛИК!

УИШН

Болаликнинг галати ўйинлари бўларди: қувлашмачоқ, бекинмачоқ, чиллак, «подшоҳ, вазир...» каби... Охирги ўйинда турт киши иштирок этарди. Кимга омад кулиб, «шоҳ» булиб қолса, у ҳукмфармо, донишманд вазирини чақириб кенгашар, гуноҳкорларга қандай жазо берилишини келишиб оларди. Биз кўпинча иккита-учта кўнгли яқинлар қай биримизга омад кулиб қараса, иккинчи омадсиз томонни унутмаслик ҳақида келишиб оладиган «шумлик»ларимиз ҳам бўларди. Гуноҳкор айтилган шартларни бажаришга мажбур эди. Супурарди, сидирарди, ўтин ётарди, сув келтирарди, полиздан яrim тунда чинни тарвуз ёки қизилуруг қовун топиб чиқишига мажбур эди. Эртак айттарди, қўшиқ ёки рақс... Хуллас калом болалик лунёсини-



нг хаёллари чек билмасди. Биз бир куни одатдагидек уйин билан машгул эдик, чувиллашардик, тортишардик, аразлардик, уйиндан чиқарапдик... Акам бир чеккада бизни жимгина кузатиб ўтирарди. Анчадан кейин бизга қараб: «Ва-а, шуям уйин бўлибдими, сенларга қараб мен зерикиб кетдим», — дели.

Биз ҳанг-манг булиб қолдик. «Шоҳ» ҳукмни вақтинча тұхтатди. Гуноҳкор құлидаги супургисини ташлади. «Масалан. — дедилар акам қувлик билан, —, сенларнинг ўрниларингда бўлганимда мен бошқача ишлар буюрган бўлардим». Акам таклиф қилган шартларнинг кўпчилиги бизга маъқул келмай тўполон қилиб юбордик. Лекин битта шартга келганда индамай қолдик, қўшни бола «гуноҳкор» Обид ҳамон нима қилишини билмай қаққайиб турарди. Ундан сал нарида иккич уч ой туғилган ола бузоқ кўзларини мўлтиратиб бизга қараб туарди. «Қани, ўша бузоқнинг тумшуғидан битта ўп-чи», — деди ютган Тожибой. «Эсингни едингми, — Обид бақириб юборди. — Ҳеч замонда ҳам бузоқнинг тумшуғидан упадими одам. Сузиб олса нима қиласан?» «Ёшартни бажарасан, ё уйиндан чиқасан», — деди утирганлар. Обид — дум-думалоқ, тиқмачоқ болакай, отасининг арзандаси — қўрқа-писа бузоқнинг олдига борди. Борди-ю, ҳафсаласи пир булди. «Э, — деди бурнини жийириб, — тумшуғи терлаб кетган экан». «Нима бубди, — дедик ҳаммазиз жиддий. — У бир ёш боладай гап. Тумшуғини яхшилаб артиб ташла».. Болалар орасида бир беғубор кулги бошланди: Обид тумшуғини артаман девди, бузоқ ўзини орқага ташлади, утирганлар кулгидан юмалаб қолди. Обид ҳам бүш келмади: бир тутам утни юлиб, унинг тумшуғига тутди, пешонасидаги қашқасини силади. Кейин худди укасини ўпгандек авайлаб, бузоқчанинг тумшуғидан упиб қўйди. Биз болалар ҳам унга ҳавасимиз келиб, бузоқчани бир-бир упиб чиқдик. Унинг тумшуқчаси юмшоқ, иссиққина эди, сут ҳиди келиб турарди.

Шарифа САЛИМОВА.

Тарихчи бобомиз ўз асарини чиройли иборалар билан қизиқарли равишда ёзган. Унда ри воятлар, ҳикоялар, ҳокимлар ҳаёти ва улар ўртасидаги урушлар, шунингдек Бухоро шаҳарининг топографияси, яъни ер сатҳи лойиҳаси, жойлар жойлашиши кабилар ҳам бутун вилоят табиати, шаҳару қишлоқлари бойликлари, хунармандчилиги, чорва ҳамда деҳқончиликлари аниқ ифодаланади. Асарнинг энг характерли томони шундаки, жойлар номлари маъноси — топономияси эдинмай баён килинади.

Хозирги пайтда Бухоронини 2500 йиллик түйигээ тайёргарлик кетаётганды Наршаадий асари катта аҳамиятга эга. Олим жаҳонда Бухородек жуда күп ном билан аталган шаҳар йүқлигини айтиб, унга тарихда саккизга яқин ном қўйилғанлиги ни таъкидлайди. Аввал «Бихар», «Вихар», кейинроқ «Бухоро» деб номланган. Араблар босиб ошганидан сунг эса «Нумуж-

кат» («Атрофи чүл шаҳар»), «Мадинат ус-Суфрия» («Мис шаҳари»), «Мадинат ут-Тужор» («Савдогарлар шаҳари»), «Фохира» деган номлар олганини хам баён килган.

Жойлар ва шаҳарлар номлари маъносидан ташқари комлар, яъни оқар сувлар номлари ҳақида ҳам қизикарли маълумотлар берилган. Масалан, Зарафшон дарёсининг энг қадимги номи «Рудизар» («Олтин ариқ»), «Ҳарамком» («Ичишга хос ариқ») каби номлар билан аталгани, унинг Бойкентга бориб, бу ердан салнаридаги қамишли кўлга куйилиши сингари маълумотлар ҳам бор.

Хам бор.

Умуман олганда Абу Бакр Нарынчий фақатгина тарихчигина эмас, у йирик жутро-фиян олим ҳамдир. Вилоятдаги жойлар номларини урганинда олим яраттан асарлар ҳозирги кунимиз учун мухим ахамиятта эга.

О.КУЧКОРБЕКОВ.

МАЪРИФАТ ЁДЛУДАРИ



АБУ БАКР НАРШАХИЙ

(899 – 959 йилдар)

Бундан бир мингу саксон йилча илгари яшаб, илмий-тарихий ишлар олиб борган Абу Бакр Мұхаммад бин Жаъфари Наршаий — Хаср бошларида Бухорода туғилиб, улгайған йирик тарихчи олимдир. У ёшлигиданоқ Бухоро ҳудудидаги жойлар ва уларниң номлари маъноси, оралиғи ҳақида аниқ маълумотлар асосида асар ёзишга киришади. Бу асарини олим қирқ беш ёнида ёзиб тугатди. Бирок, уша даврда илмий асарлар факт араб тилида ёзиларди. Нарша- хий ҳам узасарини араб тилида ёзгани учун кенг халқ оммасига ёйилмади. Сабаби, Бухорода араб тилида сұзлашиш унчалик ҳали оммалашмаган эди. Тарихчи узасарини «Тахқиқи ул-вилоят» («Вилоят тарихи») деб номлайди. Бу асар олимтириклигига унчалик шов-шувга сабаб булмайди, унинг вафтидан етмиш йил кейин, яни 1129 йили Абу Наср Аҳмад бин Мұхаммад ал-Кубавий тожик тилига қисқартириб таржима қиласы. Шундан кейин маҳаллий халқ орасида асарнинг

Лазизбек Юнусов Фарғона шаҳридаги Ҳамза номли мактабнинг 5 «А» синфида уқиди. Водийда ўтказилган ёш шахматчилар мусобақасининг совриндори, Республика

ИҚТИДОРЛИЛАР БИЛАН ИФТИХОРЛИ

ка ёш шахматчиларининг мусобақасида фахрли 3-чи урин соҳиби Лазизбек.

— Шахмат ўйнашни кимдан ўргангансан? деб сўрайман.

— Дадамдан. Улар шахмат хақида қизиқ-қизиқ афсоналар айтиб, мени ҳам қизиқтириб боргандар. Олти ёшимдан шахмат ўйнай бошладим. Айниқса, шахмат доналарини санаб, от, фарзин, печка, тўра, офицер деб шахмат доскасига теришни яхши кўрадим. Олдинлари дадам билан ўйнасан, фақат ютқазардим, энди бўлса ютаман ҳам...

Уч йилдан буён шахримиздаги санъат-спорт тўрагига қатнайман. Шахмат машгулотларини устозим Виктор Манин олиб боради. Тўракнинг энг ёш қатнашчиси ўзиман.

— «Рақибларинг» ёши сендан катта бўлса, ютқизиб қўйишдан чўчимайсанми

— Ўзимга ишонмасам, шахмат доналарини термайман. Ютқазиб қўйган партияларим ҳам бўлган. Уша пайтда кайфиятим тушиб, ўзимдан ўзим хафа бўлиб, юраман.

— Лазизбек, Чирчиқда бўлиб ўтган ёш шахматчилар

мусобақасидаги иштирокинг ҳақида билмоқчидим...

— Мусобақа жуда кучли ўйинлар ҳисобига ҳал бўлди. Республикализнинг 11та ви-

лоятидан ёш шахматчилар қатнашдик. Самарқандлик ва қаршилик акаларим билан дуранг натижада ўйнаб, Андикон, Бухоро ва навоийлик 11-синф ўқувчиларидан голиб келдим. Энг ёш, энг фаол шахматчи деган фахрий ёрлик билан тақдирландим.

— Шахматдан бошқа яна нималарга қизиқасан?

Саргузашт кинолар жондилм. Майкл Жексон қўшиклиарини ёқтираман.

— Шахмат ўйнагинг келяпти-ю, рақибинг йўқ, унда нима қиласан?

— Эҳ, у муаммо эмас. Ундей пайтда ўзимга-ўзим рақибман.

— Машхур шахматчилардан кимларга ҳавас қиласан?

Каспаров, Карпов ўйнларини ёқтираман. М.Муҳиддиновнинг шахматта оид жумбоқларини ечишга ҳаракат қиласан.

Эндини 11 ёшга қадам қўйган Лазизбекнинг шахмат борасида орзулари мўл экан. Орзуларинг ҳамиша парвозда бўлсин. Юртимиз сендай иқтидорлилар билан янада ифтихорлидир.

Бону МАХМУДЖОН кизи.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ БЕПОЁН

Маълумки, Марказий Осиё худудида чўл мінтақалари жуда катта ҳудудни ташкил қиласди. Улардан бири ушбу ҳудуддаги республикалардан бирининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг билан бирга бу 300 минг квадрат километрни эгаллаган бепоён сахро энг қуруқ ва энг иссиқ ҳудуд ҳисобланади. Йил давомида бор ўтиги 100—150 миллиметр миқдорида ёгин гарчилар бўлади холос. Ана шу ўзига хос хусусиятларга эга



булган чўл номини ва у қаерда жойлашганини биласизми?

БАЛИҚ ТУРЛАРИ МАКОНИ

Она сайдерамизда шундай бир дарё борки, у серсувлиги ва ҳавзаси майдонининг катта-

лиги жиҳатидан биринчи уринда туради. Шунинг билан бирга бу сув ҳавзасида дунёдаги деярли барча турдаги балиқлар урчитилиши билан ҳам энг юқори уринда туради. Халқ ўртасида унинг қирғокларидан яшовчилар балиқчилар үзлари тутган балиқнинг қанақалигини ҳам кўпинча билишмайди, деган гап юради. Ана шу серсувлиги ва балиқлари турининг кўплиги билан танилган дарё номини топинг-чи?

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади.

ИШТИЁҚ БОР-Ч...

Мана, таътил тугаб, мактаб бошланишига ҳам роппа-роса 15 кун вақт қолди. Кимлардир шу қолган 15 куннинг тезроқ ўтиб, мактаб қучогига барвақтроқ қайтишини исташаяпти. Кимдир таътил бошланишини қандай кутган бўлса, мактаб бошланишини ҳам шундай интизорлик билан кутмоқда. Бу ҳақда, ёзги таътил ҳаяжонлари ҳақида матбуотларда ҳам ёзишяпти.


Тунов куни, синглим Одинанинг сумкаласидан «Тонг юлдузи» газетасини топиб олдим. Аслида, газета-журналларни, китоб ўқишини ёқтирасам-да саҳифаларингизни кузатиб чиқдим, «Тонг юлдузи»га чустлик Хуррият исмли қиз ҳам мактабни соғингани ҳақида ёзиди. Ҳайронман, нима учун қизлар бунча ўқишини яхши кўришади. Менинг ўзим синглим Однадан безор бўлганман. Қачон қарасанг, китоб ўқигани- ўқиган. Газета-журналларни-ку, канда қилмайди. Почтальонимиз Нуриддин акадан газета-журналлар келмадими, дея сўрагани-сўра-

ган. Бу сўровлар эса менинг энсамни қотиради. Неча марта китобларини яшириб қўйганман. Неча марта бунинг учун дадамдан гап ҳам эшитиб олганман. Лекин, барибир у ўзининг билганидан қолмайди. Сенга тўгрисини айтсам, мана шу ўн беш куннинг ўтишини ҳечам истамаяпман-да... Нима учун дейсанми? Сабаби бор, албатта.

Мисол учун, 15 кун ўтиши билан мактаб бошланаиди. Мактаб бошланиши билан адабиёт ўқитувчимиз таътилда қандай дам олганимиз ва қандай китоблар ўқиганимиз ҳақида сўрайдилар. Мен ҳар доим гоз қилиб юрган бўйнимни кутара олмайман. Бўйним ўзимга оғирлик қилиб кетади. Ёз бўйи бирорта бўлсин китоб, атиги ҳикоя ўқиган бўлсан, нима қилардия,

Ойбек МАМАДАЛИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Булунғур тумани.

Расм- топишмок



Шу расмга энг кулгили, қизиқарли тагсуз ёзб юборгандарга сирли совгамиз бор.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умид АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора Йўлдошева, Шермат йўрматов, Хотам АБДУРАЙМОВ, Мукимжон КИРҒИЗБОЕВ, Даҳаҳон йўқубов, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф Шодиметов, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босиди. Ҳажми 1 босма табоб Буюртма — Г-0520. 10960 нусхада босилди. Котоз бичими — А-3. Босиша тошириш вақти 19.00. Тонгирилли — 18.30. Нарабатчи муҳаррир X.Рустамова.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр курсатчи: № 64563 • Телефон: 33-44-25